

**Асосий иқтисодий ва ижтимоий
кўрсаткичлар**

	млрд. сўм	2008 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ички маҳсулот	18312,9	108,2
Саноат маҳсулоти	13265,1	109,1
Истеъмол товарлари	3986,7	113,1
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	4985,6	104,6
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	6026,5	132,7
Қурилиш ишлари	3128,7	132,5
Юк айланмаси, млрд. тн–км	35,9	91,9
Йўловчи айланмаси, млрд. йўловчи–км	32,7	107,6
Чакана товар айланмаси	7312,5	117,7
Пуллик хизмат кўрсатиш	2614,8	118,0
Ташқи савдо айланмаси, млн. АҚШ долл.	10497,0	105,0
Экспорт	6034,1	102,8
Импорт	4462,9	108,2

Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш


2009 йилнинг январ–июнида ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) номинал қиймати 18312,9 млрд. сўмда баҳоланди. Унинг реал ҳажми ўсиш суръати ўтган йилнинг январ–июнига нисбатан 108,2 фоизни ташкил қилди. ЯИМ аҳоли жон бошига 6,4 фоизга ўсди.

ЯИМ умумий ҳажмининг 78,4 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторида, 21,6 фоизи давлат секторида ишлаб чиқарилди.


ЯИМнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши қуйидагича:








якунга нисбатан фоиз ҳисобида

январ-июн
2008й.




январ-июн
2009й.



-  Давлат мулки
-  Нодавлат мулки
-  Фукаролар хусусий мулки
-  Фермер ва деҳқон хўжаликлари мулки
-  Хўжалик бирлашмалари мулки
-  Кўшма корхоналар мулки
-  Бошқа нодавлат мулкчилик шакллари

ЯИМ ишлаб чиқаришнинг тармоқлар бўйича таркиби қуйидагича ифодаланади:

яқунга нисбатан фоиз ҳисобида



ЯИМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 40,9 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2008 йилнинг январ-июнига нисбатан 0,7 фоизга ўсди. Шу жумладан кичик корхона ва микрофирмалар томонидан ЯИМнинг 24,6 фоизи ишлаб чиқарилиб, 2008 йилнинг шу даврига нисбатан 1,9 фоизга кўп бўлди.

Ҳудудлар бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот реал ҳажмининг сези-ларли ўсиши Тошкент шаҳри (113,6 фоиз), Наманган (110,8 фоиз), Андижон (110,6 фоиз), Сурхондарё (109,1 фоиз), Жиззах (108,7 фоиз) ва Сирдарё (108,7 фоиз) вилоятларида кузатилди.

Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотла-рига кўра, 2009 йилнинг 1 июл ҳолатига иқтисодиётнинг барча тар-моқларида рўйхатга олинган юридик шахслар сони 495,3 мингтага ет-ди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 460,9 мингтани (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 93,1 фоизи) ташкил қилди.

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми сав-до ва умумий овқатланиш (жами рўйхатга олинган юридик шахслар-

нинг 26,6 фоизи), қишлоқ хўжалиги (фермер хўжаликларисиз 23,8 фоизи), саноат (11,3 фоизи) ва қурилиш (8,0 фоизи) соҳаларига тўғри келади.


2009 йилнинг 1 июл ҳолатига корхона ва ташкилотлар иқтисодиёт тармоқлари (фермер хўжаликларисиз) бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	минг бирлик	яқунга нисбатан фоизда	минг бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	267,7	100,0	235,8	100,0
шу жумладан:				
саноат	30,2	11,3	24,5	10,4
қурилиш	21,3	8,0	17,2	7,3
қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	63,7	23,8	61,1	25,9
транспорт ва алоқа	8,1	3,0	7,3	3,1
моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа турлари	21,4	8,0	19,2	8,2
савдо ва умумий овқатланиш	71,2	26,6	57,1	24,2
аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	3,7	1,4	3,1	1,3
соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбия	9,9	3,7	9,3	3,9
таълим, маданият ва санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш	16,7	6,2	16,2	6,9
бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	21,5	8,0	20,8	8,8

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 93,1 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 59,3 фоизи фермер ва деҳқон хўжаликлари, 22,8 фоизи хусусий корхоналардир.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар–юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

**1 июл ҳолатига;
умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида**



2009 йил январ–июнида жами 24,1 мингта янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (республика бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 15,1 фоизи), Қашқадарё (12,6 фоизи), Фарғона (9,0 фоизи) ва Андижон (8,6 фоиз) вилоятларига тўғри келади.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича янги ташкил топган корхоналарнинг 28,0 фоизи қишлоқ хўжалигига, 26,7 фоизи савдо ва умумий овқатланишга, 14,8 фоизи саноатга тўғри келади.

2009 йилнинг январ–июнида 13,1 мингта корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 1,9 минг нафари ихтиёрий равишда тугатилган. Фаолияти тугатилган корхоналарнинг аксарият қисми Тошкент шаҳрига (республика бўйича тугатилган жами корхонанинг 17,6 фоизи), Сурхондарё (11,3 фоизи), Тошкент (9,8 фоизи) ва Фарғона (8,3 фоизи) вилоятларига тўғри келган.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича фаолияти тугатилган корхоналарнинг 31,4 фоизи савдо ва умумий овқатланишга, 28,1 фоизи қишлоқ хўжалигига, 13,9 фоизи саноат соҳасига тўғри келган.

2009 йил январ–июнида ЯИМ ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларида ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



**Кичик тадбиркорлик
(бизнес)**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган изчил ислохотлар шу секторда юқори ўсиш даражасига эришишни таъминлади.

Ҳисобот даврида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

ялпи ички маҳсулотнинг 40,9 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан (2008 йил январ-июнида 40,2 фоиз) ишлаб чиқарилди;

8209,8 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 73,5 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 6399,6 минг нафари хусусий сектор, 1810,2 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 18,3 фоизга ўсди ва 2148,8 млрд. сўми (жами саноат ишлаб чиқаришининг 16,2 фоизи) ташкил қилди;

асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 1283,0 млрд. сўми (инвестициялар умумий ҳажмининг 21,3 фоизи) ўзлаштирилди, 1299,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 41,5 фоизи) бажарилиб, 25,5 фоизга ўсди;

автомобил транспортида юк айланмаси 6,3 фоизга (республика жами автомобил транспорти юк айланмасининг 71,9 фоизи), йўловчи айланмаси 7,1 фоизга кўпайиши (умумий йўловчи айланмасининг 82,6 фоизи) таъминланди;

чакана савдо айланмаси умумий ҳажмининг 43,8 фоизи ёки 3207,4 млрд. сўми (ўсиш 10,7 фоиз) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг 43,2 фоизи ёки 1128,7 млрд. сўми (ўсиш 8,0 фоиз) шакллантирилди;

811,4 млн. АҚШ доллари (экспорт умумий ҳажмининг 13,4 фоизи) миқдориди маҳсулот экспорт қилинди (2008 йил январ-июнига нисбатан 124,0 фоиз), 2085,8 млн. АҚШ доллари (импорт умумий ҳажмининг 46,7 фоизи) миқдориди маҳсулот импорт қилинди (2008 йил январ-июнига нисбатан 153,4 фоиз).


2009 йил январ-июнида кичик тадбиркорлик маҳсулоти (ишлар, хизматлар) ҳажмидаги хусусий тадбиркорлик (фуқаролар мулки) маҳсулотининг улуши қуйидагича ифодаланади:

	кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	кичик тадбиркорлик маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, фоиз ҳисобида
Саноат	2148,8	34,2
Қишлоқ хўжалиги	4883,1	100,0

	кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	кичик тадбиркорлик маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, фоиз ҳисобида
Қурилиш	1299,6	71,5
Чакана савдо	3207,4	79,6
Пуллик хизмат	1128,7	93,4
Юк ташиш, млн.тн	145,9	90,4
Йўловчи ташиш, млн.киши	2087,2	98,3
Экспорт, млн. АҚШ долл.	811,4	5,1
Импорт, млн. АҚШ долл.	2085,8	16,9

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича яратилган маҳсулот ҳажмидаги (ишлар, хизматлар) кичик тадбиркорликнинг улуши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Корхона ва объектлари

хусусийлаштириш

Давлат мулки қўмитасининг маълумотларига кўра, давлат тасар-руфидан чиқариш ва хусусийлаштириш Дастурини амалга ошириш жараёнида ҳисобот даврида 70 та корхона ва объектлар (кейинги ўринларда – объектлар) хусусийлаштирилди.

Хусусийлаштирилган объектлар умумий сонининг энг кўп қисми Тошкент шаҳри (республика бўйича хусусийлаштирилган объектларнинг 28,6 фоизи), Тошкент (14,3 фоизи), Фарғона (14,3 фоизи) ва Сурхондарё (10,0 фоизи) вилоятларига тўғри келган.

Хусусийлаштирилган давлат мулки таркибида асосий улушни маҳаллий ҳокимиятлар (55,7 фоиз), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (14,3 фоиз), Халқ таълими вазирлиги (4,3 фоиз), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (2,9 фоиз) ва Ўзпахтасаноат уюшмаси (2,9 фоиз) объектлари ташкил қилади.

Жорий йилнинг январ – июнида вазирлик ва идоралар бўйича хусусийлаштирилган объектлар таркиби қуйидагича ифодаланади:

	хусусийлаштирилган объектлар сони, бирлик	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	70	100,0
шу жумладан:		
Маҳаллий ҳокимиятлар	39	55,7
Соғлиқни сақлаш вазирлиги	2	2,9
Халқ таълими вазирлиги	3	4,3
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	10	14,3
Ўзпахтасаноат уюшмаси	2	2,9
Ўзбекчармпойабзали уюшмаси	1	1,4
Бошқалар	13	18,5

Жорий йилнинг январ–июнида хусусийлаштириш ва давлат та–сарруфидан чиқаришдан тушган пул маблағлари 21,0 млрд. сўмни ташкил қилди.

Пул маблағларининг энг кўп қисми Тошкент шаҳрига (хусусий–лаштиришдан олинган барча пул маблағларининг 45,5 фоизи), Тошкент (15,3 фоиз), Фарғона (10,6 фоиз), Самарқанд (8,4 фоиз) ва Бухоро (4,7 фоиз) вилоятларига тўғри келади.

Ташқи иқтисодий алоқалар

Ташқи савдо айланмаси жорий йилнинг январ–июнида 10497,0 млн. АҚШ долларини ташкил қилди ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,0 фоизга ортди. Шу жумладан экспорт 6034,1 млн. АҚШ долларини, импорт 4462,9 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.


Ташқи савдо баланси ижобий бўлиб 1571,2 млн. АҚШ долларини , шу жумладан МДҲ давлатлари билан – 115,9 млн. АҚШ доллари, бошқа мамлакатлар билан – 1455,3 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

Республика ташқи савдо айланмаси жорий йилнинг январ–июн ойларида қуйидаги кўрсаткичлар билан ифодаланади:

	млн. АҚШ доллари	2008 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Ташқи савдо айланмаси	10497,0	105,0
шу жумладан:		
МДҲ мамлакатлари	3976,1	104,0
бошқа мамлакатлар	6520,9	105,7
Экспорт	6034,1	102,8
шу жумладан:		
МДҲ мамлакатлари	2046,0	113,7
бошқа мамлакатлар	3988,1	98,0

	млн. АҚШ доллари	2008 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Импорт	4462,9	108,2
шу жумладан:		
МДХ мамлакатлари	1930,1	95,3
бошқа мамлакатлар	2532,8	120,6

2009 йил январ–июнида ташқи савдо айланмасида МДХ ва бошқа мамлакатларнинг улуши қуйидагича ифодаланади:




**2009 йил январ–июнида
экспорт ва импорт ҳажмининг ўзгариш
динамикаси ва таркиби**

	таркиби, фоиз ҳисобида	2008 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Экспорт	100,0	102,8
пахта толаси	9,6	72,2

	таркиби, фоиз ҳисобида	2008 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
озиқ–овқат маҳсулотлари	4,0	126,3
улардан истеъмол маҳсулотлари	3,8	126,6
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	4,6	80,7
энергия манбалари ва нефт маҳ– сулотлари	43,7	2,4м.
қора ва рангли металллар	4,1	50,0
машина ва ускуналар	2,3	30,1
хизматлар	8,4	89,3
бошқалар	23,3	73,4
Импорт	100,0	108,2
озиқ–овқат маҳсулотлари	9,3	120,8
шундан ишлаб чиқаришга мўлжалланган истеъмол маҳсулотлари	4,7	98,4
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	11,0	95,8
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	3,2	71,1
қора ва рангли металллар	6,4	86,1
машина ва ускуналар	56,9	124,5
хизматлар	4,3	89,2
бошқалар	9,2	83,3

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Республика ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:


	республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида	2008 йил январ-июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Россия	19,6	106,5
Швейцария	12,3	344,7
Хитой	11,1	177,0
Украина	7,5	103,9
Қозоғистон	6,9	94,5
Корея Республикаси	4,7	113,0
Афғонистон	3,2	150,2
Эрон	2,8	75,4
Туркия	2,4	54,2
Германия	2,3	86,5
Тожикистон	1,2	142,6
АҚШ	1,2	60,9
Франция	1,1	141,9

	республика товар айланмасида улу- ши, фоиз ҳисобида	2008 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Қирғизистон	0,9	91,3
Туркменистон	0,9	149,3
Буюк Британия	0,8	112,2
Белорусия	0,7	98,9
Япония	0,6	72,7
Латвия	0,6	41,5
Ҳиндистон	0,6	140,6
Италия	0,5	84,9
БАА	0,5	133,3
Австрия	0,4	149,5
Сингапур	0,4	24,6
Белгия	0,3	94,6
Нидерландия	0,3	49,0
Озарбайжон	0,2	85,2


Жорий йилнинг январ–июнида МДҲ ва бошқа давлатлар билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади:

Экспорт

МДҲ




Бошқа давлатлари




Импорт

МДҲ



Бошқа давлатлари



- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимё ва пластмасса маҳсулотлари
- Энергия манбалари
- Қора ва рангли металллар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Бошқалар

Саноат

Жорий йилнинг январ–июнида саноат маҳсулоти ҳажми 13265,1 млрд. сўм, ёки ўсиш суръати 2008 йилнинг январ–июнига нисбатан 109,1 фоизни ташкил этди.



Ҳисобот даврида 3986,7 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2008 йилнинг январ–июнига нисбатан ўсиш суръати 113,1 фоизни ташкил этди. Жумладан, 1717,3 млрд. сўмлик озиқ–овқат маҳсулотлари ва 2269,4 млрд. сўмлик ноозиқ–овқат моллари (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда 107,9 фоиз ва 117,3 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Жорий йилнинг январ–июнида саноат тармоқлари бўйича маҳсулот ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2008 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	13265,1	109,1
шу жумладан:		
электроэнергетика	1186,4	99,8
ёқилғи	3021,2	115,0
қора металлургия	349,2	108,2
рангли металлургия	1474,7	101,6
кимё ва нефт–кимё саноати	660,4	113,2
машинасозлик ва металл қайта ишлаш	2008,8	117,4
ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза–қоғоз саноати	108,2	114,5
қурилиш материаллари саноати	605,5	111,8
енгил саноат	1760,7	102,0
озиқ–овқат саноати	1441,8	107,1
Истеъмол товарлари	3986,7	113,1
шу жумладан:		
озиқ–овқат маҳсулотлари	1717,3	107,9
ноозиқ–овқат маҳсулотлари	2269,4	117,3

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда тармоқлар улуши қуйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



- Электроэнергетика
- Ёқилғи саноати
- Қора металлургия
- Рангли металлургия
- Кимё ва нефт-кимё
- Машинасозлик ва метални қайта ишлаш
- Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш
ва целлюлоза-қоғоз
- Курилиш материаллари
- Енгил саноат
- Озиқ-овқат саноати
- Бошқа соҳалар

**Саноат тармоғи бўйича асосий маҳсулот
турларини ишлаб чиқариш
(йирик корхоналар бўйича)**

	2009 йил январ-июн	2008 йил январ-июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Ёқилғи –энергетика саноати		
Электроэнергия, млн. кВт. соат	25,2	98,2
Иссиқлик энергияси, млн. Гкал	9,8	92,8
Нефт ва газ конденсати, млн. тн	2,4	97,7
Бензин, минг тн	790,9	108,7

	2009 йил январ–июн	2008 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Дизел ёқилғиси, минг тн	668,9	108,6
Мазут, минг тн	281,8	106,2
Керосин, минг тн	197,7	115,1
Мой, минг тн	136,6	101,8
Суюқлантирилган газ, минг тн	126,3	104,6
Табиий газ, млн. куб.м	31738,9	99,0
Қора металлургия саноати		
Пўлат, минг тн	383,7	109,1
Тайёр прокат, минг тн	359,2	107,9
Кимё ва нефт–кимё саноати		
Сунъий аммиак, минг тн	675,1	108,3
Минерал ўғитлар, минг тн	572,9	107,0
Карбамид, минг тн	274,7	121,3
Ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш воситалари, тн	2139	2,4р.
Олtingугурт кислотаси, минг тн	496,0	109,5
Кимёвий тола ва иплар, тн	5890	85,0
Калцийлаштирилган сода, минг тн	40,1	107,8
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати		
Енгил автомобиллар, дона	90320	100,2
Автобуслар, дона	669	86,8
Автомобил эҳтиёт қисмлари, млн.сўм	83025,1	109,4
Тракторлар, дона	1477	96,5
Трактор культиваторлари, дона	971	98,1

	2009 йил январ–июн	2008 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Музлатгичлар ва совутгичлар, дона	10862	3,4р
Кабель маҳсулотлари, млн.сўм	68862	90,6
Қурилиш материаллари саноати		
Цемент, минг тн	3449,9	110,5
Шифер, млн. шартли плитка	218,6	99,9
Йиғма темирбетон конструкциялари ва деталлар, минг куб. м.	84,8	122,7
Шиша ва фарфор–фаянс буюмлар ишлаб чиқариш саноати		
Дераза ойнаси (2 мм қалинликда ҳисоблаганда), минг кв. м	4067,0	74,5
Бутилкалар, млн. дона	139,0	98,2
Енгил саноат		
Пахта толаси, минг тн	622,7	86,8
Чигит, минг тн	927,8	82,8
Пахта линти, минг тн	42,8	84,1
Ипак тола, тн	95,9	66,5
Бир ипли тўқима ип газлама, минг тн	67,2	88,4
Газлама – жами, млн. кв. м	46,6	68,6
Трикотаж маҳсулотлари, минг дона	15628	81,2
Гилам ва гилам маҳсулотлари, минг кв.м	1634,0	64,5
Озиқ–овқат саноати		
Сут ва сут маҳсулотлари, минг тн	9,4	105,1


	2009 йил январ–июн	2008 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Шакар, минг тн	130,2	100,3
Ўсимлик ёғи, минг тн	115,6	70,9
Макарон маҳсулотлари, минг тн	10,3	126,1
Ароқ ва ароқ–ликер маҳсулотлари, минг дал	4339	110,1
Вино, минг дал	1108	97,8
Пиво, минг дал	9294,0	111,6
Маъданли сув, млн. ярим литр	123,8	123,0
Папирос ва сигаретлар, млн. дона	6060	124,8
Ун–ёрма ва омихта ем саноати		
Ун, минг тн	675,1	100,1
Ёрма, минг тн	0,5	44,0
Омихта ем, минг тн	349,0	113,2

Қишлоқ хўжалиги

2008 йилнинг биринчи ярим йиллигида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 4985,6 млрд. сўмни ташкил қилди ёки 2008 йилнинг шу даврига нисбатан 4,6 фоизга ошди. Жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари 2657,9 млрд. сўмни (2008 йил январ–июнига нисбатан 103,1 фоиз), чорвачилик маҳсулотлари–2327,7 млрд. сўмни (106,2 фоиз) ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Деҳқончилик. Дастлабки маълумотларга кўра, барча тоифадаги хўжаликларда 1 июл ҳолатига жорий йил ҳосили учун экилган қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони 3568,3 минг гектар (2008 йил ҳосили учун экилган майдондан 10,9 минг гектарга кам) майдонни ташкил қилди.

Бошоқли дон экинлари билан банд бўлган экин майдони 1598,3 минг гектар (2008 йилга нисбатан 55,8 минг гектарга кўп), пахта экин майдони 1344,5 минг гектар (74,1 минг гектарга кам), картошка – 59,4 минг гектар (0,2 минг гектарга кўп), сабзавот экинлари – 155,7 минг гектар (2,2 минг гектарга кам), озуқа экинлари – 284,0 минг гектар (12,2 минг гектарга кўп) майдонни ташкил қилди.

2009 йил ҳосили учун экилган асосий қишлоқ хўжалиги экинлари экин майдони қуйидагича ифодаланади:

	минг.га	2008 йилнинг 1 июлига нисбатан фоиз ҳисобида	Жами майдонга нисбатан, фоизда
Жами экин майдони	3557,4	99,7	100,0
Донли экинлар	1598,3	103,6	44,9
шу жумладан:			
бошоқли дон	1511,8	103,2	42,5
шундан:			

	минг.га	2008 йилнинг 1 июлига нисбатан фоиз ҳисобида	Жами майдонга нисбатан, фоизда
буғдой	1350,7	98,7	38,0
шоли	39,7	154,5	1,1
дон учун маккажўхори	28,3	92,2	0,8
Техник экинлар	1417,8	94,8	39,9
шу жумладан пахта	1344,5	94,8	37,8
Картошка	59,4	94,6	1,7
Сабзавотлар	155,7	98,6	4,4
Полиз экинлари	42,2	103,4	1,2
Озуқа экинлари	284,0	104,5	7,9

Ҳосил йиғими. Жорий йилнинг 1 июл ҳолатига барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 5337,0 минг тонна дон экинлари етиштирилиб, шундан 5331,1 минг тоннаси бошоқли дон ва 5177,6 минг тоннаси буғдойни ташкил этади.

2008 йилнинг шу даврига нисбатан дон ишлаб чиқариш Сурхондарё (10,8 фоизга), Хоразм (9,4 фоизга), Андижон (2,6 фоизга), Тошкент (2,5 фоизга), Сирдарё (1,9 фоизга), Навоий (0,9 фоизга) ва Бухоро (0,8 фоизга) вилоятларида кўпайди.

Барча тоифадаги хўжаликларда 706,3 минг тонна картошка, 1278,3 минг тонна сабзавот, 82,4 минг тонна полиз экинлари, 458,1 минг тонна мева ва резаворлар ва 11,9 минг тонна узум етиштирилди.

Чорвачилик. 2008 йилнинг 1 июлига нисбатан йирик шохли қорамоллар 493,2 минг бошга (6,5 фоизга), шу жумладан сигирлар 191,6 минг бошга (6,0 фоизга), қўй ва эчкилар 772,2 минг бошга (5,7 фоизга), паррандалар 2928,0 минг бошга (11,0 фоизга) кўпайди.

Жорий йилнинг январ–июнида барча тоифадаги хўжаликларда 638,0 минг тонна тирик вазнда гўшт (ўтган йилнинг январ–июнига нисбатан 6,7 фоизга кўп), 2627,3 минг тонна сут (6,6 фоизга кўп), 1240,5 млн. дона тухум (15,3 фоизга кўп), 13,1 минг тонна жун (6,8 фоизга кўп), 793,5 минг дона қоракўл тери (1,1 фоизга кўп), 24,0 минг тонна пилла (2,2 фоизга кўп) етиштирилди.

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига тўғри келиб, гўшт ишлаб

чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 97,5 фоизни, сут ишлаб чиқаришда – 99,5 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда – 63,4 фоизни ташкил этди.

Фермер хўжаликлари. Жорий йилнинг январ–июнида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 1274,7 млрд.сўмни ташкил қилди ёки 2008 йилнинг шу даврига нисбатан 101,5 фоизни ташкил қилди.

2008 йилнинг 1 июлига нисбатан фермер хўжаликларида йирик шохли қорамоллар 13,5 минг бошга (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,0 фоизга), шу жумладан сизирлар 5,3 минг бошга (3,4 фоизга), қўй ва эчкилар 104,5 минг бошга (10,7 фоизга), паррандалар 645,9 минг бошга (28,3 фоизга) кўпайди.

Жорий йилнинг январ–июнида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қуйидагича ифодаланади:

	ишлаб чиқариш		ўсиш суръати, фоизда
	минг тонна	умумий ҳажмидаги улуши, фоизда	
Бошоқли дон	4389,2	82,3	98,7
шу жумладан буғдой	4251,3	82,1	97,1
Картошка	57,0	8,1	129,6
Сабзавотлар	190,3	14,9	117,0
Полиз экинлари	36,2	43,9	117,0
Мевалар	154,6	33,7	126,0
Узум	2,7	22,7	134,3
Гўшт, тирик вазнда	13,6	2,1	106,5
Сут	70,8	2,7	110,6
Тухум, млн. дона	64,1	5,2	144,6
Жун, тонна	905	6,9	120,2
Қорақўл, минг дона	35,3	4,5	110,6
Пилла	23,4	97,6	104,3

Пиллачилик. Жорий йилнинг 1 июл ҳолатига республика бўйича 23964,4 тонна пилла хом ашёси тайёрланган бўлиб (2008 йилга нисбатан 102,2 фоиз), шундан 0,9 тоннаси олий нав, 14,4 тоннаси элита нав, 175,0 тоннаси насли, 9435,7 тоннаси биринчи нав, 6681,6 тоннаси

иккинчи нав, 841,0 тоннаси ностандарт, 5267,7 тоннаси навсиз, 1548,1 тоннаси қорапачоқдир.

Инвестициялар ва қурилиш

Жорий йилнинг январ–июнида асосий капиталга киритилган инвестициялар 6026,5 млрд. сўмни, 2008 йилнинг январ–июнига нисбатан 132,7 фоизни ташкил қилди.

Жорий йилнинг январ–июнида мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

якунга нисбатан фоиз ҳисобида

шу жумладан молиялаштириш
манбалари бўйича

	жами инвести циялар, млрд. сўм	якунга нисбатан фоиз ҳисобида				
		рес– пуб– лика бюдже– ти	кор– хоналар ва аҳо– ли маб– лағлари	чет эл инвес– тиция– лари ва кредит– лари	банк кредит– лари ва бошқа қарз маб– лағлари	бюд– жетдан ташқар и фонд– лар маб– лағлари
Жами	6026,5	11,2	49,0	28,8	3,3	7,7
шу шумладан мулкчилик шакллари бўйича:						
давлат	1548,0	43,7	20,8	7,1	28,2	0,2
нодавлат	4478,5	0,0	58,7	36,2	4,5	0,6

Иқтисодиёт тармоқларида асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби қуйидаги кўринишда:

	млрд. сўм	умумий
		ҳажмга нис– батан фоизда
Жами	6026,5	100,0
Ишлаб чиқариш	4284,2	71,1

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нис- батан фоизда
тармоқлари		
саноат	1489,6	24,7
шу жумладан:		
ёқилғи-энергетика	864,4	14,3
металлургия	148,0	2,5
кимё ва нефт-кимё	90,9	1,5
машинасозлик	133,2	2,2
енгил саноат	75,8	1,3
озиқ-овқат	56,9	0,9
қурилиш материаллари	66,7	1,1
қишлоқ хўжалиги	149,9	2,5
қурилиш	153,5	2,5
транспорт ва алоқа	1905,2	31,6
савдо ва умумий овқатланиш	132,5	2,2
геология и ер ости бойликларини излаш	423,2	7,0
бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари	30,3	0,5
ноишлаб чиқариш тармоқлари	1742,3	28,9
уй-жой қурилиш	561,0	9,3
коммунал хўжалик	86,3	1,4
соғлиқни сақлаш	71,3	1,2
таълим	806,2	13,4
маданият ва санъат	3,3	0,1
бошқа ноишлаб чиқариш	214,2	3,5


млрд. сўм умумий
хажмга нис-
батан
фоизда

тармоқлари

Асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 4284,2 млрд. сўми ёки 71,1 фоизи ишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилди, ноишлаб чиқариш тармоқларига 1742,3 млрд.сўм ёки 28,9 фоизи йўналтирилди.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича чет эл инвестиция ва кредитларини ўзлаштириш қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоизда



Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Ноишлаб чиқариш тармоқларига киритилган инвестицияларнинг 561,0 млрд.сўм уй-жой қурилиши соҳасида ўзлаштирилди, ёки умумий ҳажмга нисбатан 32,2 фоизни ташкил этди.

Жорий йилнинг январ–июнида умумий майдони 4007,0 минг кв. м. бўлган 33,8 мингта уй–жой (2008 йил январ–июнига нисбатан 101,7 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида–2861,3 минг кв.м. (113,0 фоиз) уй–жой фойдаланишга топширилди.

Умумтаълим мактабларини қуриш ва қайта таъмирлашда 296,7 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 17,0 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 36,8 фоизини ташкил қилди.

Умумтаълим мактабларини қуриш ва қайта таъмирлаш учун ишлатилган инвестицияларнинг умумий ҳажмидан 89,9 фоизи мактаб фонди, 8,8 фоизи болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига тўғри келди.

Академик–лицейлар ва касб–ҳунар коллежларини қуриш ва қайта таъмирлашда 451,6 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 25,9 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 56,0 фоизини ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 40,7 млрд. сўм, шундан бюджет маблағлари ҳисобига 9,5 млрд. сўм (умумий ҳажмидан 23,4 фоизи), аҳоли маблағлари ҳисобига 5,3 млрд. сўм (13,0 фоизи), чет эл инвестицияси ва кредитлари ҳисобига 23,6 млрд. сўм (57,9 фоизи), газ тармоқлари қурилишига 4,7 млрд. сўм аҳоли маблағлари ҳисобига инвестициялар ўзлаштирилди.


Қурилиш фаолияти. Ҳисобот даврида 3128,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2008 йилнинг январ–июнига нисбатан 132,5 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 81,7 фоизи янги қурилиш, корхоналарни реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 14,6 фоизи капитал, жорий таъмирлаш ва 3,7 фоизи бошқа пудрат ишларига тўғри келади.


Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари таркиби қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

январ-июн
2008й.



январ-июн
2009й.



- Давлат мулки
- Фуқаролар хусусий мулки
- Хўжалик бирлашмалари мулки
- Кўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлари мулки
- Бошқа мулкчилик шакллари

Транспорт

Юк ташиш. Жорий йилнинг январ-июнида барча транспорт турлари томонидан 481,0 млн. тонна юк ташилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 108,9 фоизни, юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 35,9 млрд.тн-км.ни ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 91,9 фоизни ташкил этди.


Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

2009 й. январ-июн	2008 йил январ-июнига нисбатан фоиз ҳисобида
----------------------	---

	2009 й. январ–июн	2008 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	481,0	108,9
темир йўл транспортида	31,7	105,4
автомобил транспортида	417,5	112,0
ҳаво транспортида, минг тн	4,9	175,0
қувур йўллари орқали	31,8	82,2
Юк айланмаси, млрд. тн–км	35,9	91,9
темир йўл транспортида	11,8	106,3
автомобил транспортида	9,5	107,4
ҳаво транспортида, млн. тн– км	32,6	71,3
қувур йўллари орқали	14,6	76,6

Жорий йилнинг январ–июнида транспорт турлари бўйича юк ташиш таркиби қуйидагича ифодаланади:

юк ташишнинг умумий ҳажмига
нисбатан фоиз ҳисобида



Асосий юкларни магистрал темир йўл транспортида ташиш қуйидагича ифодаланади:

	Минг тонна	2008 йил январ-июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Юклар – жами	31751,6	105,4
шу жумладан:		
тошкўмир	1666,0	98,7
нефт маҳсулотлари	6777,8	94,9
қора металллар	535,5	91,5
қора метал темир-терсаклари	543,1	113,5
кимёвий ва минерал ўғитлар	2328,2	103,9
қурилиш материаллари	4720,0	109,2
цемент	2808,2	91,2
ёғоч-тахта материаллари	87,6	70,4
дон ва янчилган дон маҳсулотлари	493,9	72,1

Автомобил транспортида 417,5 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2008 йилнинг январ-июнига нисбатан 12,0 фоизга кўп. Юк айланмаси 7,4 фоизга кўпайди ва 9,5 млн. тн-км.ни ташкил қилди.

Хусусий юк ташувчилар автомобил транспортининг юк айланмаси 2008 йил январ-июн даражасидан 5,6 фоизга кўпайди ва 6,5 млрд.

тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 69,2 фоизни ташкил этди (2008 йил январ-июнида – 70,4 фоиз).

Ҳаво транспорти орқали 4,9 минг тонна юк жўнатилиб, 2008 йил январ-июнига нисбатан 75,0 фоизга кўпайди, юк айланмаси эса 32,6 млн.тн-км. тоннани ташкил қилиб ёки 28,7 фоизга камайди.

Магистрал қувур йўллари юк айланмаси 2008 йил январ-июнига нисбатан 23,4 фоизга камайиб, 14,6 млрд. тн-км.ни ташкил қилди.

Йўловчи ташиш. Жорий йилнинг январ-июнида барча транспорт турлари томонидан 2700,3 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг ушбу даврига нисбатан 6,6 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси 7,6 фоизга кўпайиб, 32,7 млрд. йўловчи-км.ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2009 й. январ-июн	2008 йил январ-июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	2700,3	106,6
темир йўл транспортида	7,1	108,6
автомобил транспортида	2637,1	107,2
ҳаво транспортида	0,7	94,3
шаҳар электр транспортида	55,4	84,0
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	32688,0	107,6
темир йўл транспортида	1218,5	104,7
автомобил транспортида	28951,2	110,4
ҳаво транспортида	2176,6	83,9
шаҳар электр транспортида	341,7	87,1

Йўловчи ташишда энг катта улуш автомобил транспортига тўғри келди – 97,6 фоиз, йўловчи айланмасида – 88,6 фоизни ташкил қилди.

Жорий йилнинг январ-июнида темир йўл транспортида йўловчилар жўнатиш 8,6 фоизга кўпайди ва 7,1 млн. йўловчини ташкил этди,

йўловчи айланмаси 4,7 фоизга ўсди ва 1218,5 млн. йўловчи-км.ни ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 725,6 мингта йўловчи ташилди, бу 2008 йилга нисбатан 5,7 фоизга камдир, йўловчи айланмаси эса тегишли равишда 2176,6 млн. йўловчи-км. ва 16,1 фоизга камайди.

Троллейбус транспорти орқали 44,3 фоизга, трамвай транспорти орқали 24,1 фоизга, метрополитен транспорти орқали 7,1 фоизга кам йўловчи ташилган.

Товарлар ва хизматлар бозори

Ҳисобот даврида чакана товар айланмаси 7312,5 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 117,7 фоизни ташкил қилди.

Чакана товар айланмасида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 48,2 фоизни, ноозиқ-овқат маҳсулотлари 51,8 фоизни ташкил қилди. (2008 йил январ-июнида мос равишда – 51,3 ва 48,7 фоиз)

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2008 йил январ- июнига нис- батан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фо- из ҳисобида
Жами	7312,5	117,7	100,0
давлат мулки	10,7	85,2	0,1
нодавлат мулки	7301,8	117,8	99,9
ундан фуқароларнинг ху- сусий мулки	5236,5	107,2	71,6

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми жорий йилнинг январ-июнида 3112,4 млрд. сўмни ташкил қилиб, 37,3 фоизга ошган. Чакана савдо айланмаси таркибида савдо корхоналарининг улуши 42,6 фоизни ташкил қилди (2008 йилнинг январ-июнида 35,8 фоиз).

Қишлоқ жойлардаги савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси умумий товар айланмасининг 30,9 фоизини ташкил қилди.

Деҳқон бозорлари томонидан ҳисобот даврида қишлоқ хўжалик товарлари ва қорамол сотиш ҳажми 6,6 фоизга ошди ва 2565,0 млрд. сўмга етди, унинг товар айланмаси умумий ҳажмидаги улуши 35,1 фоизни ташкил қилди.

Норасмий секторнинг (буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар) товар айланмаси 1635,1 млрд. сўмни ташкил қилди ёки 2008 йилнинг январ–июнига нисбатан 6,1 фоизга ошган. Товар айланмасининг умумий ҳажмида унинг улуши 22,3 фоизни ташкил қилди.

Жорий йилнинг январ–июнида чакана савдо айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2008 й. январ– июнига нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Чакана товар айланмаси	7312,5	117,7	100,0
шу жумладан:			
савдо корхоналари	3112,4	137,3	42,6
бозорлар	4200,1	106,4	57,4
улардан:			
буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар	1635,1	106,1	22,3
деҳқон (озиқ–овқат) бозорлари	2565,0	106,6	35,1

Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 2614,8 млрд. сўмни, унинг ўсиши 2008 йил январ–июнига нисбатан 118,0 фоизни ташкил қилди.

Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишнинг асосий қисми расмий сектор томонидан амалга оширилиб (69,4 фоиз), бу секторда хизматлар ҳажми 1815,7 млрд. сўмни, ўсиш суръати эса 124,9 фоизни ташкил қилди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 5,0 фоизга ўсиб, 799,1 млрд. сўмни, пуллик хизматлар умумий ҳажмидаги улуши эса 30,6 фоизни ташкил этди.

Аҳолига кўрсатилган умумий пуллик хизматлар ҳажмида нодавлат сектори улуши 78,2 фоизни ташкил қилди (2008 йил январ–июнида 77,1 фоиз).

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича аҳолига кўрсатган хизматлар ҳажми қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	2614,8	100,0
давлат мулки	569,5	21,8
нодавлат мулки	2045,3	78,2
шундан:		
фуқароларнинг хусусий мулки	890,4	34,1

Пуллик хизматлар умумий ҳажмида маиший хизматлар 9,1 фоизни ёки 238,5 млрд. сўмни ташкил қилди. Уларнинг ҳажми 2008 йил январ–июнига нисбатан 20,1 фоизга ошди. Маиший хизматларнинг 87,2 фоизи хусусий тадбиркорлар томонидан амалга оширилиб, ушбу секторнинг хизматлар ҳажми 207,9 млрд. сўмни, ўсиш суръати эса 117,2 фоизни ташкил қилди.

Жорий йилнинг январ–июнида иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар ҳажми 12536,0 млрд. сўмни, шу жумладан қишлоқ жойларида 2992,4 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 23,9 фоизини ташкил қилди. 2008 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш 18,5 фоизни ташкил этди.

Жорий йилнинг январ–июнида хизматлар ишлаб чиқариш турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2008 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами хизматлар	12536,0	118,5	100,0
шу жумладан асосий турлари бўйича:			
Савдо ва овқатланиш хизматлари	2108,5	118,4	16,8
Транспорт хизматлари	4232,5	113,9	33,8
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, ахборот–ресурс	912,8	131,2	7,3

	млрд. сўм	2008 йил	умумий
		январ– июнига нисбатан фоиз ҳисобида	ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
марказлари хизматларини ўз ичига олган ҳолда			
Молиявий хизматлар, микрокредитлар беришни ўз ичига олган ҳолда	929,1	129,4	7,4
Туризм–саёҳат хизматлари	28,7	135,9	0,2
Меҳмонхона хизматлари	40,2	107,5	0,3
Коммунал хизматлар	1707,5	106,8	13,6
Маиший хизматлар	207,1	119,7	1,7
Автомобиллар ва бошқа маиший техникаларни таъмирлаш	112,5	127,5	0,9
Бошқа хизматлар, болалар соғломлаштириш ва спорт муассасалари хизматларини ўз ичига олган ҳолда	2257,1	126,0	18,0

Туризм–саёҳат хизматлари (135,9), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, ахборот–ресурс марказлари хизматларини ўз ичига олган ҳолда (131,2 фоиз), молиявий хизматлар, микрокредитлар беришни ўз ичига олган ҳолда (129,4 фоиз) автомобиллар ва бошқа маиший техникаларни таъмирлаш (127,5 фоиз), маиший хизматлар (119,7 фоиз) юқори ўсиш суръатларига эришилди.

Хизматлар таркибида турлари бўйича энг катта улуш транспорт (жами хизматларнинг 33,8 фоизи), савдо ва овқатланиш (16,8 фоизи), коммунал (13,6 фоизи), алоқа ва ахборотлаштириш (7,3 фоизи) ва молиявий (7,4 фоизи) хизматларга тўғри келди.

Нарх–наво ва инфляция

2008–2009 йилларнинг январ–июнида
нархлар ва тарифлар индексларининг ўзгариши
(нарх–навонинг ўсиши фоиз ҳисобида)

ўртача ойлик даражаси		июн ойи ўтган йилнинг декабрига нисбатан	
2008й.	2009й.	2008й.	2009й.

	Ўртача ойлик даражаси		июн ойи ўтган йилнинг декабрига нисбатан	
	2008й.	2009й.	2008й.	2009й.
Истеъмол нархлари индекси	0,6	0,6	3,4	3,6
озиқ-овқат маҳсулотлари	0,3	0,6	1,8	3,7
ноозиқ-овқат маҳсулотлари	0,5	0,2	2,9	1,3
хизматлар	1,6	1,1	10,3	6,5
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекси	0,8	3,6	4,7	23,3
Юк ташиш тарифларининг индекси	6,0	-0,9	42,1	-5,0
Юридик шахсларга кўрсатиладиган алоқа хизматлари тарифларининг индекси	0,5	0,6	3,0	3,5

2008–2009 йилларнинг январ–июнида саноат тармоқлари бўйича ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекслари (ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)

	2008й.	2009й.
Жами	104,7	123,3
шу жумладан:		
электроэнергетика	118,4	102,9
ёқилғи	105,2	122,3
қора металлургия	112,4	150,6
рангли металлургия	79,9	219,1
кимё ва нефт–кимё	117,0	100,6
машинасозлик	104,5	100,5
ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза–қоғоз	113,9	101,9

	2008й.	2009й.
қурилиш материаллари	108,4	104,8
енгил саноат	104,7	99,2
озиқ-овқат саноати	116,1	105,5
ун-ёрма саноати	126,7	100,0

**2008–2009 йилларнинг январ–июнида транспорт турларида
юк ташиш тарифларининг индекси
(ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2008й.	2009й.
Юк транспорти – жами	142,1	95,0
шу жумладан:		
темир йўл транспорти	115,5	111,1
автомобил транспорти	110,2	110,0
ҳаво транспорти	171,2	117,2
қувур йўллари	151,4	88,3

**2008–2009 йилларнинг январ–июнида юридик шахслар учун
алоқа хизматлари тарифларининг индекси
(ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2008й.	2009й.
Жами хизматлар	103,0	103,5
шу жумладан		
почта алоқаси	124,7	100,0
шаҳар телефон алоқаси	100,0	100,0
шаҳарлараро телефон алоқаси	100,0	100,0
телеграф алоқаси	100,0	100,0
уяли алоқа	101,6	107,0

Аҳоли турмуш даражаси

Аҳолининг номинал пул даромадлари жорий йилнинг январ–майида 35,9 фоизга, аҳолининг пул харажатлари ва жамғармалари 35,8 фоизга кўпайди.

Жорий йилнинг январ–майида аҳолининг номинал пул даромадлари ва харажатлари таркиби қуйидагича ифодаланади:

	салмоғи, фоизда	2008 й. январ–майига нисбатан фоиз ҳисобида
Жами даромадлар	100,0	135,9
шу жумладан:		
меҳнатга ҳақ тўлаш ва корхоналардан олинган бошқа даромадлар	39,4	136,2
ижтимоий трансфертлар	17,4	146,4
тадбиркорлик даромадлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотишни қўшган ҳолда, мол–мулкдан олин- ган ва бошқа даромадлар	43,2	131,7
Жами харажатлар ва жамғармалар	98,3	135,8
шу жумладан:		
истеъмол харажатлари	71,3	134,5
мажбурий тўловлар ва бадаллар	7,9	137,6

	салмоғи, фоизда	2008 й. январ–майга нисбатан фоиз ҳисобида
омонатлар, қимматли қоғозларга жойлаштириш, ҳамда валюта харид қилиш ҳисобига жамғармаларнинг ўсиши ва бошқа харажатлар	19,1	139,9

Жорий йилнинг январ–майда аҳоли пул даромадларининг умумий ҳажмида тадбиркорлик фаолиятидан (қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотишдан тушган даромадларни қўшган ҳолда) ва мол–мулкдан олинган даромадлар улуши юқори бўлиб, умумий пул даромадларининг 43,2 фоизини ташкил қилди ҳамда ўсиш сурати 2008 йилнинг шу даврига нисбатан 31,7 фоизни ташкил этди.

Меҳнатга ҳақ тўлаш ва корхоналардан олинган даромадлар 36,2 фоизга кўпайди, уларнинг улуши пул даромадларининг умумий ҳажмида 39,4 фоизни ташкил қилди.

Аҳолининг истеъмол харажатлари 34,5 фоизга кўпайди ва уларнинг улуши пул даромадларининг умумий ҳажмида 71,3 фоизни ташкил этди. Мажбурий тўловлар ва бадалларга ҳақ тўлаш харажатлари 37,6 фоизга кўпайди. Омонатлар, қимматли қоғозларга жойлаштириш, жумладан валюта харид қилиш ҳисобига жамғармаларнинг улуши 19,1 фоизни ташкил қилди.

Аҳоли пул даромадлари сарфланишининг таркиби қуйидагича ифодаланади:

Январ–май	аҳоли пул да- ромад- лари, жами	(пул даромадларига нисбатан фоизда) улардан қуйидагиларга фойдала- нилди			аҳоли пул қолди- ғининг ўзга- риши
		товар со- тиб олиш ва хиз- матларга тўловлар	мажбу- рий тў- ловлар ва бадаллар	жамғармалар ва қимматли қоғозлар, ва- люта харид қилиш ва бошқалар	
2008й.	100,0	72,1	7,7	18,6	1,6
2009й.	100,0	71,3	7,9	19,1	1,7

Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, жорий йилнинг 1 июл ҳолатига республикада мавжуд аҳоли сони 27733,8 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 200,4 минг кишига ёки 0,7 фоизга кўпайди.

Аҳолининг табиий ўсиши 214,9 минг кишини ташкил этди. Улардан 124,7 минг ёки 58,0 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади.

Аҳолининг табиий ҳаракати январ–июн ойларида қуйидагича ифодаланади:

	минг киши	ўсиш, камайиш(-)	ҳар 1000 кишига
Туғилганлар	282,6	-25,1	20,6
Ўлганлар	67,7	-5,3	4,9
шу жумладан бир ёшгача болалар	3,6	-0,4	11,5
Табиий ўсиш	214,9	-19,8	15,7
Никоҳлар	96,5	-0,7	7,0
Ажралишлар	8,4	-0,2	0,6

2008 йил биринчи ярим йилида туғилганлар сони 282,6 минг кишини ташкил қилди ва 2008 йилнинг шу даврига нисбатан 25,1 минг кишига ёки 8,2 фоизга камайди, туғилиш коэффиценти 22,7 промилледан 20,6 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг камайиши Наманган (23,7 дан 19,8 промиллега), Андижон (23,4 дан 19,4 промиллега), Сирдарё (24,4 дан 21,4 промиллега) ва Самарқанд (24,6 дан 21,4 промиллега) вилоятларида кузатилди.

Ўлганлар сонининг кўпайиши Сирдарё вилоятида кузатилди. Энг кўп ўлим ҳоллари Тошкент шаҳрида (7,3 промилле) сақланиб қолмоқда.

Ўлганлар умумий сонидан 60,1 фоизи қон айланиш системаси касалликларидан, 7,3 фоизи ўсма касалликларидан, 6,6 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан, 6,1 фоизи бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, жорий йил январ–июнида бир ёшга тўлмай ўлган болалар сони 3,6 мингтани ташкил қилди. Гўдаклар

ўлими коэффициентлари 2008 йил январ–июндаги 13,1 промилледан 11,5 промиллега камайди.

Жами бир ёшга тўлмай ўлган болалардан 36,0 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан, 46,6 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 8,0 фоизи туғма аномалиялардан ва 2,9 фоизи инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

Жорий йилнинг биринчи ярим йилида 96,5 минг никоҳ рўйхатга олинди, ажралишлар сони эса 8,4 мингтани ташкил қилди. Минг аҳолига 7,0 никоҳ ва 0,6 ажралишлар тўғри келмоқда.


Ишсизлик. Жорий йилнинг январ–июнида меҳнат бўлимларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб 341,9 минг фуқаро мурожаат қилди. Бу 2008 йилнинг шу даврига нисбатан 5,1 фоизга кўпдир.

Ишга жойлашиш мақсадида меҳнат бўлимларида рўйхатда турган аҳолининг 76,2 фоизи – қишлоқ жойларидаги аҳолини ташкил қилади, 0,7 фоизи 16 ёшдан 18 ёшгача, 50,8 фоизи 18 ёшдан 30 ёшгача, 46,7 фоизи 30 ёшдан 50 ёшгача бўлганларни ташкил қилади.

Меҳнат бўлимларига мурожаат қилган 293,3 минг фуқаро (барча мурожаат этганларнинг 85,8 фоизи) ишга жойлаштирилган бўлиб, бу 2008 йилнинг январ–июнига нисбатан 1,3 фоизга кам.

Меҳнат бўлимлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуйидагича ифодаланади:

МИНГ КИШИ



Жами иш билан таъминланганларнинг 51,7 фоизи ёшлар (16 ёшдан 30 ёшгача бўлган шахслар), 46,6 фоизи 30 ёшдан 50 ёшгача бўлган шахслар ташкил қилади. Иш билан таъминланганларнинг асосий қисми (76,7 фоиз) қишлоқ жойларига тўғри келади.

Жорий йилнинг июн ойи охирига ишга жойлашиш мақсадида меҳнат бўлимларида рўйхатда турган аҳоли 30,9 минг кишини ташкил этди (ўтган йилнинг шу даврида 30,5 минг киши).

Ишга жойлашиш мақсадида меҳнат бўлимларида рўйхатда турган аҳолининг аксарияти Тошкент шаҳрида – 5,4 минг (республика миқёсида жами рўйхатда турганларнинг 17,6 фоизи), Хоразм вилоятида – 3,2 минг киши (10,4 фоизи), Наманган вилоятида – 2,9 минг киши (9,3 фоиз) ва Қашқадарё вилоятида – 2,7 минг киши (8,8 фоизи) тўғри келади.

2008 йилнинг январ-июнида хизматлар соҳаси ва сервисни ривожлантириш мақсадли комплекс Дастурларини амалга ошириш чорвачилик ва касаначилик доирасида республика бўйича 534,6^{*)} минг янги иш жойлари ташкил қилинган.

^{*)} Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотига асосан

Аксарият иш жойлари Қашқадарё (янги иш жойлари умумий сонининг 10,9 фоизи), Самарқанд (10,0 фоизи), Фарғона (8,9 фоизи), Тошкент вилоятларида (8,2 фоизи), Тошкент шаҳрида (8,9 фоизи) ташкил қилинган.

Республика бўйича ташкил қилинган янги иш жойлари умумий сонининг 61,3 фоизи (327,5 мингта иш жойи) қишлоқ жойларга тўғри келади.